2004 YIL 29 YANVAR, PAYSHANBA

# Qishloq HAYOTI

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№14 (6.695). Sotuvda erkin narxda

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
**ҚАРОРИ**

# «МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ» ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатимизда 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши муносабати билан, жамиятимизда аҳиллик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, юртдошларимиз, аввало, ёшларимиз онги ва тафаккурида юксак инсоний фазилатларни камол топтириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хусусан, кам таъминланган тоифа ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р  қ и л а д и:**

1. «Меҳр ва мурувват йили» дастури тасдиқлансин.

Дастурда белгиланган чора-тадбирлар:

- давлат идоралари ва жамоат тузилмаларининг маблағ ва имкониятларини, корхона ва ташкилотлар, ширкат ва фермер хўжаликлари, тадбиркор ва ишбилармонларнинг ҳомийлик ёрдамларини кам таъминланган оилалар, ногиронларни, боқувчисидан жудо бўлган фуқаролар ва ёлғиз кексаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун жалб этишга;

- жамият ҳаётининг асосий бўғини бўлган оила тизимини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни, инсон ҳаёти ва манфаатларини ҳимоялаш, мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, жумладан, янги иш ўринларини яратиш, аҳолига тиббий, савдо ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича аниқ режаларни амалга оширишга;

- юртдошларимизни меҳрибонлик ва эзгулик руҳида тарбиялаш, замон талабларига жавоб берадиган қадимий анъана ва қадриятларимизни ҳаётимизга янада чуқурроқ сингдириш, бундай интилиш ва ҳаракатларни оммавий ахборот воситалари, жойлардаги маънавий-маърифий тадбирлар орқали кенг тарғиб қилишга йўналтирилгани маъқуллансин.

2. «Меҳр ва мурувват йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар ушбу дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва талаб даражасида бажарилишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, компаниялар ва агентликлар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

йилнинг ҳар чорагида, тегишли идоралар ва тузилмаларни жалб этган ҳолда, «Меҳр ва мурувват йили» дастурининг бажарилишини муҳокама қилиб, зарур чора-тадбирлар кўриб борсин;

йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича дастур топшириқларининг бажарилиши натижалари тўғрисидаги таҳлилий маълумотни кейинги ойнинг 7-кунигача республика комиссиясига тақдим этсин.

4. Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига аҳоли ўртасида «Меҳр ва мурувват йили» дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш, уларни амалга ошириш борасида қилинаётган ишларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 27 январь.

## Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳр ва мурувват йили» дастури тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2004 йил мамлакатимизда «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинди ҳамда бу борадаги асосий мақсад ва вазифалар белгилаб берилди.

Юртбошимиз Фармойиши билан тузилган «Меҳр ва мурувват йили» дастурини тайёрлаш бўйича республика комиссияси йил давомида амалга оширилиши зарур бўлган ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тадбирларнинг комплекс дастурини ишлаб чиқди.

Ушбу дастур аввалги йилларда қабул қилинган «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод», «Она ва бола», «Қарияларни қадрлаш йили» ва «Обод маҳалла йили» дастурларининг мантиқий давомидир.

Унинг асосий маъно-мазмуни халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар ва замонавий демократик тамойилларга таянган ҳолда, давлат ва жамиятнинг инсонга бўлган муносабат ва эътиборини янада кучайтиришдан иборат.

(Давоми 2-бетда)

## КУНИНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида давом этаётган аграр соҳа раҳбарлари семинарининг навбатдаги машғулотида адлия вазири А.Полвонзода ижтимоий-иқтисодий соҳаларга доир, хусусан, қишлоқ хўжалигига оид қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг жойлардаги ижроси ҳақида маъруза қилди.
- Президент Ислом Каримов томонидан жорий йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши муносабати билан мамлакатимизда «Экосан» жамғармаси ташаббуси бўйича «Қўшни қўшнига» шиори остида мурувват кунлари ўтказилмоқда.
- Тошкент вилояти прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасида тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида ноқонуний текширувларга чек қўйиш масалаларига бағишланган семинар машғулот ўтказилди. Унда вилоят адлия бошқармаси, вилоят прокуратураси ходимлари ва ОАВлари вакиллари иштирок этди.
- Пойтахтимизда Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси томонидан ташкил этилган «Давр садолари» мусиқа фестивали ўз ниҳоясига етди.
- Навоий давлат педагогика институтида кураш бўйича «Камолот кубоги» учун ўтказилган беллашувларда вилоятдаги олий ўқув юртларининг ўттиз нафардан зиёд спортчиси куч синашди. Улардан беш нафари ўз вазн тоифасида ғолиб деб топилиб, «Универсиада-2004» ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.
- Андижон давлат университетида хорижий тилларни ўқитишни такомиллаштиришга бағишланган республика илмий - амалий анжумани ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилди.
- Андижон Олимпия заҳиралари спорт коллежида енгил атлетика бўйича Ўзбекистон кубоги ҳамда ўсмирлар ўртасида мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди. Ушбу мусобақада уч юзга яқин спортчи енгил атлетиканинг йигирма тўрт тури бўйича беллашди.

# ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ



*28 январ куни Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жон Роберт Пурнелл ишонч ёрлиғини топширди.*

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Томонлар Президент Ислом Каримовнинг 2002 йил март ойида АҚШга расмий ташрифи чоғида имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларацияга мувофиқ барча соҳаларда алоқаларни ривожлантириб келмоқда.

АҚШ Ўзбекистоннинг, айниқса, халқаро терроризмга қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди. Бу йўналишдаги ҳамкорлик ҳарбий ва ҳарбий-техникавий алоқаларни кенгайтиришга ҳам хизмат қилмоқда.

АҚШ маъмурияти ва қонун чиқарувчи олий органлари Ўзбекистонни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятларни ишга солишга қарор қилган. Ўзбекистонда бу юксак қадрланади.

Мамлакатларимиз бозор ислоҳотлари ва демократияни мустаҳкамлашда ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президент Ислом Каримов элчи билан суҳбат чоғида Ўзбекистон-АҚШ муносабатларига доир қатор масалалар, халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашди. Ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш борасидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди ва Ж.Пурнеллга дипломатик фаолиятида муваффақият тилади.

АҚШ элчиси ўзаро алоқалар жуда яхши ривожланиб келаётганини мамнуният билан таъкидлар экан, хайрли ишларнинг давомчиси бўлиш ўзи учун катта шараф эканлигини қайд этди.

**(ЎзА)**

**СУРАТДА: ишонч ёрлиғини топшириш пайти.**
Д.ЮСУПОВ
(ЎзА) олган сурат.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ФАРМОНИ**

## С.Т.Иномовани Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Светлана Турсуновна Иномова Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 28 январь.

## ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстлик алоқалари қадимий тарихга эга. Мустақиллик йилларида бу муносабатлар янада юқори босқичга кўтарилди.***

Бу борада Кунчиқар мамлакатда кўп йиллардан буён фаолият кўрсатаётган «Япония-Ўзбекистон», «Фукусима-Ўзбекистон» каби уюшмалар самарали иш олиб бораётир.Ҳар иккала мамлакат маданият кунларининг ўтказилиши, мусиқий жамоаларимизнинг Японияга ижодий сафарлари яхши анъанага айланди.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида ташкил этилган учрашувда ана шулар хусусида сўз юритилди.

Учрашувда Япониянинг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато иштирок этди.

**(ЎзА)**

# ҲАШАРОТ БАЛОЙИ АЗИМ ЭКАН

***Ўтган йил фарғоналик пахтакорлар учун оғир кечди. Қарийб 53 минг гектар ердаги ғўза турли зараркунандаларга ем бўлди. Заҳарли моддалар ишлатиш ҳам кор қилмади. Агар шунча майдондаги ҳосил бой берилмаганда оз эмас, кўп эмас, яна 150 минг тонна пахта хом ашёси хирмонга тушар, уни қайта ишлаш натижасида 50 минг тонна тола олинарди.***

Буни пулга чақинг-чи. Бир тонна пахта толаси дунё бозорида 1700 доллардан кам эмаслигини инобатга олсак, зараркунандалар 85 миллион долларнинг бошига етганини чамалаш мумкин. Э-ҳе, бу пулга қанча техника сотиб олиш мумкин эди.

2003 йилги камчилик ва нуқсонлар жорий йилда такрорланмасмикин? Бу савол бугун кўпчиликни ўйлантирмоқда. Дастлабки ишлар ҳам қилинди. Масалан, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ташаббуси билан кўргазмали семинар ташкил этилди. Унда раҳбарлар қатори биолаборатория ходимлари, фермерлар, ижарачию назоратчилар ҳам иштирок этишди.

**БУГУННИНГ ГАПИ**

- Бугун билим ва тажрибасиз ҳеч нарса қилиб бўлмайди.- дейди "Данғара" ширкат хўжалигининг ижарачиси Фотимахон Бегматова.-Кўпчилик ғўзада қанақа касалликлар учрайди, ҳашаротларни қандай аниқлаш керак, буларни тўлиқ билмас экан. Орамизда деҳқончиликка энди кириб келаётган кишилар ҳам оз эмас-да. Кечаги тракторчи ё сувчи бугун ер олиб рўзғор тебратаяпти, унга оғзаки тушунтиринг, расмда кўрганидек тасаввурга эга бўлолмайди. Семинар давомида мутахассислар фойдали ҳашаротларнинг хосияти, уларни далага қўйиш усуллари ва самарадорлиги тўғрисида ҳам гапириб беришди.

- Ўқимаган бой бўлолмайди. Илгари мен ҳам зараркунандаларга етарлича эътибор бермасдим. Ер "колхозники" эди. Зарар ҳам, фойда ҳам . Бугун эса 254 гектар ернинг эгасиман, - дейди "Яхши ният" фермер хўжалигининг соҳиби Азим Жуманов.- Экин зўр ҳосил берса, мендан бахтли одам йўқ. Ишчиларимнинг манфаатдорлиги ҳам ер туфайли. Қўша-қўша техникам бор. Ўзимда "Дамас". Аммо ҳар куз ҳосилни йиғиштириб оламану биринчи қиладиган ишим, келгуси йил ҳосили учун биолаборатория билан шартнома тузаман. Ахир экин ҳам тирик вужуд, одамнинг ўзидек. Касалликка чалинмаса, зараркунандага ем бўлмаса, беминнат ҳосил беради-да. Сизга бир рақамни айтай. Ўтган йил бошида "Кимётаъминот"идораси билан келишиб, пайкалимни ўраб турган тутзорларга ҳам кимёвий усулда ишлов бердик.Сўнг биолабораторияга 250 минг сўмдан ортиқ пул тўладик. Мутахассислар пайкалимизга жиддий эътибор беришди. Экинларга офат ораламади. Натижада йилни катта даромад билан якунладик. Энди айтинг, мен хасислик қилиб биолаборатория билан шартнома тузмасам, уларга пул тўламасам нима бўларди? Май-июн ойларига бориб даламни ҳашарот босар, ундан кейин тонналаб сарфлайдиган заҳарли воситалар ҳам кор қилмасди. Шу тариқа арзимаган маблағни сарфламай неча-неча миллионларни ҳавога совурардим. Буни семинарда айтдим. Ҳамкасбларим билсин, ўргансин дедимда.

- Биоусулнинг хосияти бекиёс, самараси ҳам. Бу кимёвий усулга нисбатан беш-олти баравар арзон тушади,- дейди Данғара туманидаги "Кимётаъминот" идорасининг раҳбари Нурматжон Неъматов. - 2002 йилда биз 6920 килограмм, ўтган йил эса 5960 килограммдан ортиқ кимёвий воситалар келтирган бўлсак, шу бир йил ичида биоусулни қўллаш майдонини 7000 гектарга кўпайтирдик. Шу тариқа ўтган йил қарийб 40 минг гектар ерга фойдали ҳашаротларни қўйдик. Олтинкўз ва бешиктебратарларни эса 2500 гектар ерда ишлатдик. Биоусул кимёвий усулга нисбатан бир йилнинг ўзида қарийб беш миллион сўмдан ортиқ иқтисодий самара келтирди.

(Давоми 2-бетда)

## ИСЛОҲОТ, МАҚСАД, ИМКОНИЯТ, МАНФААТ

**ДАВРА СУҲБАТИ**

***“Инсон ислоҳот учун эмас, ислоҳотлар инсон учун хизмат қилиши керак”. Президентимизнинг бу сўзлари ислоҳотларни кампания сифатида эмас, балки ҳар бир ҳудуд, ҳар бир жамоанинг шароити, иқтисодий-молиявий кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш лозимлигини англатади.***

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамиятни янада демократлаштириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари манфаатларини ҳимоялаш борасида зарур чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қўлга киритилаётган ижобий натижалар орқали эса халқимизнинг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашига эришишимиз, шубҳасиз.

Бунинг учун ҳар бир киши ўзига топширилган соҳада, хусусан бошқарув ва хўжалик юритишнинг ҳар бир тузилмаси, ҳар бир бўғинида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўз ўрнини аниқ белгилаб олиши ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

(Давоми 3-бетда)

**ТАҲЛИЛ**

## НАВ ТАНЛАШДА АДАШМАНГ

***Бугун қишлоқларга бориб, назар ташланг. Нимани кўрасиз? Томорқа четларига плёнка ёпиб, турли эртапишар сабзавотлар уруғи қадалган майдончалар “ялт” этиб кўзга ташланади.***

Уста деҳқон билади: ҳосил эрта етилса, даромад ҳам шунга яраша бўлади. Дейлик, пиёз. Ёзга бориб 50-100 сўмга тушиб қолади. Эрта баҳорда эса икки баробар қимматига пуллаш мумкин. Ёки бир боғ барра (кўк) пиёзнинг ўзи ҳам 150 сўм. Помидор, карам, ширин қалампир кўчатларини етиштирсангиз-чи? Эрта экиш ва плёнканинг хосияти туфайли баҳорнинг ўзидаёқ унча-бунча даромад қиласиз.

Бунда биринчи эътибор ҳосилдорликка қаратилиши керак. Мўл ҳосил кўтариш учун юқори сифатли ва албатта, касаллик, зараркунандаларга чидамли нав уруғи танлаб экиш талаб этилади. Демакки, ҳар бир деҳқон уруғчиликни яхши билиши, соҳадаги янгиликлардан бохабар бўлмоқлиги лозим.

(Давоми 4-бетда)

## ИШОНЧЛИ МАДАДКОР

**БАНК ТИЗИМИ**

***-Миллий валютамиз қадрини ошириш учун хизмат қилиш шараф ва ифтихордир, - дейди акционерлик-тижорат “Пахта Банк” Бухоро вилоят бошқармаси бошлиғи Раҳимжон Ғофуров.***

Кейинги бир йилда Бухоро тарихига муҳим воқеалар ёзилди. Муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан улуғ алломалар Баҳоуддин Нақшбанд ва Абдухолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг муқаддас қадамжолари обод, руҳлари шод қилинди. Шу қутлуғ ишларнинг шарофати билан Бухоро файзига файз кирди, унинг заминига барокат нури ёғилди. Бир ёнда ғаллакорнинг кўнгли тўқ – омборларига буғдой сиғмай кетди. Пахтасидек кўнгиллари оқ бободеҳқонлар табиати оғир ва юмушлари сермашаққат ўтган йилда юзлари ёруғ бўлди. Бугун улар етиштирган пахта хомашёсидан қайта ишланган сифатли толага бутун жаҳон харидор.

Раҳимжон Ғофуров ҳузуридаги суҳбатимиз шундай эътирофлар билан бошланди. Дилларда бори тилларга чиқди.

(Давоми 5-бетда)

**СОЛИҚ**

## БЕРАРДА ЧИҚАР ЖОНИМ...

***Янгийўл туманидаги Қўшёғоч қишлоқ фуқаролар йиғини Собир Раҳимов кўчасида жойлашган “Ором” ошхонаси хўрандаларнинг севимли масканига айланиб улгурган эди.***

Сиртдан қараганда, иш юритиш қонуний, солиқлар ўз вақтида тўланиб келинган. Бироқ туман Давлат солиқ инспекцияси томонидан ўтказилган текшириш давомида ошхонада яширин тарзда цех фаолият олиб бораётганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, фуқаро Ж.Сайдаҳмедов, юк ташувчи Ғ.Ҳасанбоев ва ишчилар Б.Ҳасанбоева, А.Ҳасанбоеваларни ёллаган ҳолда ошхона биносида ош тузини пакетларга қадоқлайдиган цех ташкил этган. Ушбу цехда 2003 йил феврал ойидан буён пакетларга ош тузи қадоқланар ва сотувга чиқарилар экан. Текшириш вақтида 8190 килограмм 262080 сўмлик қопларда ва 3450 килограмм 224250 сўмлик пакетларда қадоқланган ош тузи топилди.

(Давоми 2-бетда)

## ЁВУЗЛИКНИНГ МАКОНИ ҚАЙДА?

**ЭССЕ**

***Инсон ким бўлганда ҳам, қанчалик қудрат соҳиби эканлигидан қатъи назар барча амаллари учун ўз баҳосини олади. Бусиз мумкин эмас — бу қонуният ҳеч қачон бузилмаган, бузилмайди ҳам.***

Яқинда Россиянинг ОРТ канали орқали ҳужжатли фильм намойиш қилишди. Тасвирдаги воқеалар ҳаётий. Қандай бўлса шу тарзда даҳшатли бир манзара экранга кўчирилган. Инсон фарзандининг нечоғлик юраксиз, қўрқинчли экани, табиат ва борлиқ билан муросасизликка киришганини кўриб ҳайрон қоласан. Ўша фильмни ЎзМУ журналистика факультетида ўқийдиган қариндошим ҳам мароқ билан томоша қилаётганини кўриб ҳайрон қолдим. Жуссаси жиккак, юзи чорпахил бу болакайнинг мунча ичи ёниб, юзида қувончга ўхшаш бир қизиллик югурмаса. Кўз узолмайди.

— Пультни бер, буёққа, бошқа каналга оламан. Нимасини кўрасан шуни? — дедим ижирғаниб.

— Ие, ие, тегманг. Қаранг қизиқ-ку. Мазза қилиб томоша қилаяпман.

(Давоми 6-бетда)

**ҲИКМАТ**

*“Уч тоифа кишиларнинг дуоси ҳеч шубҳасиз Аллоҳ Таоло қошида мақбулдир: мазлум кишиларнинг дуоси, мусофирнинг дуоси ва ота-онанинг дуоси”.*

**“ҲАДИСИ ШАРИФ”ДАН**

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ИНСОФИ БОРНИНГ БАРАКАСИ БОР

АЖИБ ТАРОНА ТАРОВАТИ

ТЎҒРИЛИК — САОДАТ ЭРУР

# ИСЛОҲОТ, МАҚСАД, ИМКОНИЯТ, МАНФААТ

(Боши 1-бетда)

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимларининг семинар-мунозара ўқуви давом этаётир.

Бугунги давра суҳбатимиз ҳам ушбу ўқувда қатнашаётган бир гуруҳ туман ҳокимлари иштирокида кечди. Суҳбат мавзуси туманларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қилинаётган ишлар, хўжалик юритишда қандай усуллар ва тадбирлар ижобий самара бераётганлиги, халқнинг ижтимоий, маиший турмуш даражасини яхшилаш борасидаги ютуқ ва камчиликлар ҳамда раҳбар маънавияти ҳақида бўлди.

**Суҳбатни Дўстлик тумани ҳокими Сайфиддин Исмоилов бошлаб берди:**



-Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этувчи аграр сиёсатнинг негизи ерга бўлган мулкчилик масаласига бориб тақалади. У инсонларнинг яхши яшаши учун асосий шарт-шароитларни яратиб беради. Шу сабабли республикамизнинг, халқимизнинг келажаги кўп жиҳатдан ердан фойдаланиш муносабатлари қай даражада эканлигига боғлиқдир.

Аграр сиёсатнинг устувор йўналишларидан яна бири коммунал ва муҳандислик тизимларининг кенг тармоғини яратиш ҳисобланади. Шу тадбир орқали қишлоқда яшовчиларнинг ижтимоий ҳаётини тубдан яхшиласаккина, бутун қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, унга индустриал тус бериш мумкин бўлади. Натижада ортиқча меҳнат ресурсларини бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасидан индустриал, турли хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб қилиш имконияти туғилади.

Туманимиздаги 32850 гектар экин майдонлари 865 та фермер хўжаликларига бўлиб берилган. Ҳар бир фермерга ўртача 37 гектардан ер тўғри келади. Эндиги аграр соҳада ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги асосий вазифамиз, фермер хўжаликларга зарур даражада сервис хизмати кўрсатишни ташкил этишдир. Биз шу йўналишда ўтган йили еттита ёнилғи қуйиш шохобчаси, олтита агрокимё маҳсулотлари билан таъминловчи хизмат кўрсатиш шахобчаларини ташкил этдик.

Умуман фермер хўжаликларини бирлаштирадиган, уларга хизмат қиладиган, йўл-йўриқ кўрсатадиган, техника, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлайдиган кооперативларни ташкил этсак, республикамизда фермерлар фаолияти янада ривож топиши шубҳасиз.

Ҳозирданоқ кўплаб фермер хўжаликларининг ташкил этилиши кутилган натижаларни бераётир. Аммо бу борада тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Фермер ва ижарачилар ерга, мулкка ва ишлаб чиқарган маҳсулотга тўлиқ эгалик қила олмаяпти. Уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг монопол мавқеи ҳамон сақланиб қолмоқда. Кўпинча айнан шу ташкилотлар томонидан икки томонлама тузилган шартнома шартларига риоя қилмаслик ҳолатлари учрайди.

Бизнинг туманимизда қишлоқ хўжалигида шартномавий муносабатларнинг ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида шартномалар бўйича мониторинг олиб борувчи комиссия тузилган. Ушбу комиссиялар ички шартномаларнинг тўғри тузилиши, унда икки томон манфаатларининг ҳимояланиши шартлари аниқ кўрсатилишини ва уларнинг бажарилиб боришини назорат қилади. Ишчи комиссияси эса шартномаларнинг бажарилишини таҳлил қилиб боради ва уни янада яхшилаш учун тегишли қарорлар қабул қилади.

-Ўзбекистоннинг иқтисодий юксалиши мамлакатимиз туманларида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарасига боғлиқ. Қишлоқ туманларининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши эса бу ердаги қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи субъектларнинг иқтисодий-молиявий барқарорлигидан келиб чиқади, - **деди суҳбатга қўшилган Юқори Чирчиқ тумани ҳокими Алишер Ғаффоров.**

-Ўзбекистон Республикаси



Президентининг ўтган йилги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини пухта таъминлашга, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, тайёрлов, қайта ишлаш корхоналари, моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, молия-банк муассасалари ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятини ушбу йўналишга бўйсундиришга қаратилгандир.

Ўтган йили туманимизда паст рентабеллик билан ишлаётган тўртта ширкат хўжаликлари негизида 206 та фермер хўжалиги тузилди. Ушбу хўжаликлар 2002 йилни 129 миллион сўм зарар билан якунлаган эдилар. Ташкил этилган фермер хўжаликларига 61,2 миллион сўм кредит ажратилди.

Ширкат хўжаликларидаги ернинг ҳақиқий деҳқонларга берилиши, уларнинг ўз меҳнат натижаларидан моддий манфаатдорлиги ўзининг ижобий самарасини берди. Ушбу фермер хўжаликлари 2003 йилни 311,9 миллион сўм фойда олиш билан якунладилар. Буни мулк шакли ўзгаришининг шарофати, деса бўлади.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Бунда, айниқса, аҳолининг бандлик даражасини аниқлаш, кутилаётган меҳнатга лаёқатлилар миқдорини ҳисоб-китоб қилиш, аҳолининг кўмакка муҳтож қисмини аниқлаш масаласи бир томонда бўлса, иккинчи томондан меҳнатга лаёқатлиларини иш билан таъминлаш мақсадида жойларда, айниқса, қишлоқларда янги иш ўринлари яратиш, корхоналар ва кооперативлар ташкил этиш зарурдир.

Шу мақсадда ўтган йили 1754 иш ўринлари очилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини ташкил этиш режаси 260 фоизга бажарилди. Яъни, 155 та ўрнига 415 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари ташкил этилди. Тумандаги кичик ва ўрта бизнес субъектлари томонидан четга жами 385,6 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди.

Лекин яна бир нарсани таассуф билан айтиш керакки, тадбиркорлик фаолиятини бошлаганларнинг ҳаммаси ҳам ҳозирги шароитда қандай ишлаш кераклиги ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмаслар. Баъзилари олган кредитларини ҳам тўлашга қурби етмай банкротга учрамоқда. Тўғри, бу бозор иқтисодиётининг қонуни. Тадбиркор, омилкор ва иш кўзини биладиганларгина бизнесда қоладилар. Лекин шундай бўлса-да, янги иш бошлаган тадбиркорлар учун семинарлар кўпроқ ташкил этилса, қисқа муддатли бизнес курслари очилса, тадбиркорлар сони янада ортган бўларди.

-Мамлакатимизда мулкчилик шаклининг ўзгариши иқтисодиёт ва жамият ҳаётида ортга қайтариб бўлмайдиган



жараёнлар ва ўзгаришлар учун мустаҳкам замин яратди, - **деб ўз фикрини билдирди Нарпай тумани ҳокими Акбар Жамилов.**

- Фуқароларнинг онгги ҳам юксалиб бораётир. Улар ўз ҳақ-ҳуқуқларини чуқур англаб, уни қандай ҳимоя қилишни ҳам ўрганмоқдалар. Лекин ҳали ҳамон олиб борилаётган ислоҳотларнинг изчил давом этишида маъмурий-буйруқбозлик, бюрократик тўсиқлар учраб турибди.

Эндиликда миллат равнақи, мамлакат келажаги кўп жиҳатдан кадрларнинг билимдонлиги, ишчан ва ташаббускорлиги, ташкилотчилигига боғлиқ. Юқори малакали, замонавий билимларга эга бўлган, ҳозирги кун талаблари асосида фикрлай оладиган етук кадрларни тайёрлаш ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам иқтисодий муаммоларимизни ҳал этишнинг калити ҳисобланади.

Айнан шундай кадрлар кўпроқ бўлган жойда кичик ва ўрта бизнес ҳам, фермерлик ҳаракати ҳам тез ва яхши ривожланади. Айниқса, кейинги йиллар тажрибаси фермер хўжаликлари ташкил этишнинг афзалликларини яққол кўрсатмоқда. Фермер хўжаликлари мулкка эгалик ҳиссини англаб, ерга нисбатан тежамкорлик билан оқилона муносабатда бўлган ҳолда, кам сарф-харажат эвазига пахта ва ғалладан юқори ҳосил олаётирлар, чорвачилик маҳсулдорлигини оширмоқдалар.

Бизнинг туманимизда ҳам 360 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Улар, аввваламбор, ўзларининг тадбиркорлиги, қолаверса уларга яратилган имкониятлар туфайли ўтган йили давлатга пахта ва ғалла сотиш шартномавий режаларини уддаладилар.

-Қишлоқда бозор муносабатларини жорий қилишнинг мазмун-моҳияти бу аввало, энг асосий бойлигимиз бўлган ердан қандай фойдаланиш, қаерга нима экиш, қанча ҳосил етиштиришни қатъий белгилаб берадиган эскича қарашлардан воз кечиш кераклиги-



ни англаб олишимиз, демакдир, - **деди давра суҳбатига қўшилган Гулистон тумани ҳокими Маъмур Эгамназаров.**

-Туманимизда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш, уларга янги рағбатлантирувчи омилларни яратиб бериш, деҳқонларнинг онгу тафаккурида мулкка эгалик ҳиссини мустаҳкамлаш мақсадида амалий ишлар қилинмоқда. Тумандаги мавжуд экин экиладиган майдонларнинг 82 фоизи фермерларга тегишли. Уларнинг кўпчилиги деҳқончиликда етарли тажрибага, моддий ва техник имкониятга эга бўлганлиги учун ишларини кўнгилдагидек ташкил этиб, ердан ва сувдан оқилона фойдаланишиб, кутилган натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Лекин тан олиш керак, бир қанча фермерлар ер олишгану, ундан фойдаланишга келганда нўноқлик қилмоқдалар. Биринчидан, уларнинг баъзилари деҳқончиликни мутлақо тушунмайдиган бошқа соҳа вакиллари бўлишса, иккинчидан етарли техника воситаларига ва моддий имкониятга эга эмаслар. Оқибатда режадаги ҳосилни ҳам ололмайдилар.

Йил якунида эса тайёрловчи ташкилотлар уларни шартнома шартларини бажармаганлиги учун хўжалик судларига берадилар. Аммо бу ўзини оқлайдиган чора деб бўлмайди. Ахир халқнинг ризқ-насибасини берувчи ердан бир йил тўлиқ фойдаланилмай қолади.

Менимча, ўтказилаётган тендерларда фермер хўжаликларига ер ажратишда ҳар қандай таниш-билишликка қатъий чек қўйиш, бўлажак фермерларни қаттиқ саралаб олиш ва улар зиммасига катта жавобгарликни юклаш, масъулиятни оширишга алоҳида эътиборни қаратиш керак. Шунингдек, ташкил этилган фермер хўжаликларига кредитлар ажратишни кўпайтириш зарур.

Фермер хўжаликларни қийнаётган яна бир муаммо - траншлар масаласидир. Траншлар ўз вақтида келмайди. Шунингдек, улардан фойдаланишда ҳам мураккабликлар бор. Масалан, фермер ўзининг зарур қишлоқ хўжалик техникалари бўлиб, у шулардан фойдаланади. Техника учун траншга келган пулни МТПга ўтказиш керак. Аниқ йўналиш бўйича келган пулдан фермер эркин фойдалана олмайди. Молиялаштириш тизимидаги ушбу муаммолар ҳам қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларга тўсиқ бўлаётир.

-Шартнома - ҳуқуқий ҳужжат. Шартнома тузилдими, уни бажариш шарт, - **сўзи-**



**ни қатъий қилиб бошлади Когон тумани ҳокими Нуриддин Ҳайитов.** – Шартнома имзолаган субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишини тўғри асосда ташкил этиш ўта муҳимдир. Бунда маҳсулотларнинг ўз вақтида феализация қилиниши ва улар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш масалаларини ҳал қилиш, айниқса катта аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнида шартномалар масаласи қонунчилик нуқтаи назаридан ҳал қилинган. Фақат томонлар унинг амалий ижросини таъминлаши, масъулиятни ҳис қилиши керак.

-Афсуски, ҳали ҳамон биз шартномалар асосида ишлашга кўника олмаётирмиз. Тузилаётган шартномаларда кўпинча тайёрловчи, яъни деҳқоннинг маҳсулотини қабул қилиб олувчи ташкилотларнинг шартномадаги ҳуқуқлари устун қилиб қўйилади.

Бунинг сабаби, аввваламбор, кўпчиликда ҳуқуқий савод етишмаслигидадир. Асосан далада умри ўтган деҳқон бугун фермер, мулк эгаси бўлди. У ерни, экин экишни, уни парвариш қилишни яхши тушунади. Ҳужжатбозликка тиши ўтмайди. Айнан ундаги мана шу қусур шартнома тузишда панд бериб қўяётир. Бугун янги иш бошлаган тадбиркорга ҳам, фермерга ҳам нафақат моддий ёрдам, имтиёз ва имкониятлар керак, унга ҳуқуқий кўмак ҳам жуда зарур. Айнан шу ишга биз туман ҳокимлари жиддий эътибор беришимиз керак бўлади. Уларнинг ички фаолиятига аралашмасдан туриб ёрдам беришимиз керак.

Бугун қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган барча мулк эгалари фақат қонун асосида, шартнома бўйича ишлаши керак. Шундагина у барқарор ривож топиши, ҳақиқий мулк эгаси ўзи етиштирган маҳсулотга ўзи мустақил хўжайинлик қилишга қодир бўлади.

-Бугун ер ва сувдан тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш энг долзарб масаладир, - **дейди Кегейли тумани ҳокими Полат Иметов.** -



Яқин йиллар ичида бу масала энг кескин муаммолардан бирига айланиши, ичимлик суви эса энг ноёб ва қимматбаҳо табиий ресурс бўлиб қолиши мумкин. Буни биз, Оролбўйи минтақасида яшовчилар ҳозирдан сезмоқдамиз.

Шунинг учун ҳам ерларни суғоришга яроқли сувдан тежаб-тергаб фойдаланишга, суғориш ва ирригациянинг замонавий тизимларини жорий қилишга, сувдан фойдаланиш интизомини кучайтиришга, бу борада яхши натижаларга эришаётганларни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш лозим. Ҳозир қишлоқ хўжалигида мулк шакли ўзгариб, ширкат хўжаликларининг ерлари фермер ва ижарачиларга бўлиб берилаётир. Демак, эндиликда экинларни суғоришда ишлатиладиган сувдан фойдаланишда бироз мураккаблик юзага келаётир. Чунки илгари сув йўли бўлган катта ариқ ва зовурлар битта хўжаликка тегишли бўлган. Ундан фойдаланишни ҳам, зовур ва ариқларни тозалашни ҳам ўша бажарган.

Энди-чи, бу ишларни амалга оширишга фермерларнинг имконияти ва кучи етарлими?.. Албатта, йўқ. Энди ариқларни ким тозалайди, ким сувдан фойдаланишни назорат қилади? Тўғри, ҳозир қишлоқ туманларида сувдан фойдаланувчилар уюшмаси – СФУлар ташкил этилаётир. Лекин уларнинг моддий-техник базаси, сувдан тежамкорлик билан фойдаланишни тўлиқ амалга оширишга имконияти етмайди. Шунингдек, улар билан фермерлар ўртасида тузилаётган сувдан фойдаланиш бўйича шартномалар ҳам ҳали мукаммал эмас.

Ҳар томчиси олтинга тенг бўлган бизнинг минтақамизда сувдан фойдаланиш коэффициентини кўтариш учун ундан тежамкор ва оқилона фойдаланишимиз зарур.

-Мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, халқимизнинг келажакка ишончини мустаҳкамлаш учун бугунги кунда қуйидаги энг долзарб масалаларни ҳал этиш лозим деб биламан, - **деб қуйидаги фикрларини билдиради Шаҳрихон ту-**



**мани ҳокими Муҳаммаджон Раззоқов,** - хусусий мулкчиликни рағбатлантириш;

-кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш;

-иқтисодиётда эркинлаштириш жараёнларини ривожлантириш;

-меҳнат жамоалари, ишловчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш.

Туманимизда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, деҳқон-фермерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бирмунча ишлар қилинмоқда. Жумладан, айнан шу масалалар билан шуғулланувчи туман комиссияси мунтазам ишлаб турибди. Туман ҳокимлиги товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда деҳқон-фермерлар уюшмасига яқиндан ёрдам бермоқда. Қилинаётган ишларда, айниқса, томонларнинг шартнома шартларининг бажарилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Етказиб берувчи хўжаликларнинг топширган маҳсулотлари учун ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида қабул қилиб олувчилар томонидан амалга оширилишини ҳам туман ҳокимлиги доимий назоратга олган. Шунингдек, хизмат кўрсатувчилар, банклар томонидан шартномавий муносабатлар ижроси бўйича ўзаро ҳамкорлик мувофиқлаштирилиб борилади.

Бугунги кунда хусусий тармоқ кенг қанот ёзиб ривожланмоқда. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам шу соҳага мос ва хос одамлар деб бўлмайди. Кўпчилиги фақат ўзини ўйлайди. Узоқни кўриб иш тутмаслиги уларнинг фаолиятидан маълум.

Аввваламбор, уларни ўқитиш, миллий руҳда тарбиялаш ҳамда ривожланиш усуллари билан таништириш керак. Ахир ўзимизда ҳам қадимда қанчадан-қанча миллатпарвар, Ватани учун жон фидо қиладиган, тадбиркор бойлар ўтган.

Бу тармоқ вакилларини бунёдкор шахс сифатида шакллантириб, мулкдорлар синфини яратишга йўналтириш керак.

-Ҳар бир туман ўзига хос табиий, экологик, иқлим шароитига эга. Шу боис уларда шароитдан келиб чиққан ҳолда хўжалик юритишнинг ҳам ўзига хос хусусияти мавжуд бўлади, - **дейди Нурота тумани ҳокими Ўктам Ҳакимов.**

-Нурота тумани ҳудудига ташқаридан кичик бир ариқчада ҳам сув оқиб кирмайди. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш артезиан қудуқлар ва булоқлар орқали амалга



оширилади. Шу боис бизда ҳар томчи сув олтинга тенг, десак лоф қилмаган бўламиз. Чунки қудуқлардан сув электр энергияси сарфланиб олинади. Туманда эса аҳоли сони ортиб бораётир. Уларни ичимлик суви билан, сабзавот ва мевалар билан ҳам таъминлаш керак. Сув заҳираси эса чегараланган. Туманимизда ушбу муаммони ҳал қилиш ва оби ҳаётдан оқилона фойдаланиш учун томчилатиб суғоришни жорий қилдик. Шу усул орқали ўтган йили 60 гектар ерда боғ яратдик. Томчилатиб суғориш орқали помидор, картошка, сабзи, пиёз етиштирдик.

Туманимиз, асосан лалми, ғаллачилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Бу соҳаларда хўжалик юритишда оила пудрати ва чек усули жуда қўл келаётир. Шу системага ўтганимиздан кейин бу янгилик икки йилда ўз самарасини кўрсата бошлади. Ҳар юз бош совликдан олинадиган маҳсулот ортди. Энг асосийси, кам харажат қилиниб, бозорбоп маҳсулотлар етиштирилмоқда.

Рақобат маҳсулот сифатининг яхшиланишига асосий омил бўлмоқда. Чорвачиликда хўжалик ва фермерлар ўзлари истаган ташкилот билан маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома тузади. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, кўпгина маҳсулот олувчи корхоналар ғирром йўл тутишади. Яъни маҳсулот етказиб берувчини алдашга, молини камситишга, олган маҳсулотининг ҳақини ўз вақтида бермасликка ҳаракат қилади. Шунинг учун кўпроқ биржа ва аукционлар ташкил этиш керак. Шунда чорвадорнинг меҳнати янада ўз қадрини топади.

-Ижтимоий масалаларда кучли ва самарали сиёсат олиб бориш учун бир қанча, ҳатто анча мураккаб бўлган вазифаларни амалга ошириш лозим деб биламан, - **деб сўз бошлади Хонқа тумани ҳокими Шоҳназар Болтаев.**



- Ҳозир кўпчиликни қийнаётган муаммо – ишсизлик. Айниқса, бизда меҳнатга қобилиятли аҳолининг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Агар ўрта мактабни ёки коллеж, олий ўқув юртини битирган ёшлар иш излаб тополмаса, бу уларга қандай ёмон таъсир кўрсатиши ҳаммага аён. Шунинг учун мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида кўплаб иш ўринларини ташкил этиш энг долзарб вазифалардан биридир. Бунга маълум даражада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш орқали ҳам эришиш мумкин.

Халқ таълимида, соғлиқни сақлаш тизимида ва бошқа ижтимоий соҳаларда кечаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, амалга оширилаётган тадбирларнинг молиявий таъминотини кучайтириш зарур. Шунингдек, кам таъминланган оилаларга, якка-ёлғиз, меҳнатга лаёқатсиз, ногирон ва бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтожларга аниқ мақсадли ёрдамни йўналтириш ҳам ижтимоий масалаларнинг самарадорлигини оширади. Шу ўринда моддий ёрдамларни ташкил этишда ижтимоий адолат қоидаларига қатъий риоя қилинишини ҳам таъминлаш зарур.

Айниқса, бу йил – "Меҳр ва мурувват йили"да бу йўналишдаги ишлар алоҳида эътиборни жалб этади. Бу йил қилинган кўп хайрли тадбирлар кейинги йиллар учун ҳам дастур бўлиб қолиши керак.

Фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатишда фуқаро йиғинлари кенгашларининг ва маҳаллаларнинг ролини ошириш даркор.

-Республикамизда мамлакат ҳукумати томонидан паст рентабелли, истиқболсиз жамоа ва ширкат хўжаликлари тарқатилиб, улар ўрнига фермер хўжаликларини ташкил этиш тадбирлари давом этмоқда, - **дейди Ёзёвон тумани ҳокими Бакирхон Шалимов.**

-Тарқатилган хўжаликлар



ўрнида ташкил этилган фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш, иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари бу турдаги хўжалик юритиш шаклининг анча самарали эканлигини кўрсатмоқда.

Ёзёвон миқёсида барча қишлоқ хўжалик корхоналари тугатилиб, фермер хўжаликлари ташкил этиш амалиёти туманда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни янги босқичга кўтарди.

Тумандаги экин экиладиган 16695 гектар ер 976 та фермер хўжаликларига бўлиб берилган.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи қанча паст бўлса, якуний молиявий натижа шунча юқори бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқарувчининг даромади кўпаяди. ишлаб чиқаришнинг фойдаси ҳам, зарари ҳам фермернинг ўзиники бўлганлиги учун у иложи борича ортиқча сарф-харажатга йўл қўймасдан маҳсулот етиштиришга интилади. Масалан, бир гектар пахта майдонига 1999 йилда жамоа ва ширкат хўжаликлари 101,6 минг сўм харажат қилган бўлсалар, фермер хўжаликларида бу кўрсаткич 95 минг сўмни ташкил этди.

Эндиликда фермер хўжаликларига бир қатор эркинликлар бериш, айниқса, уларга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлари учун ер майдонлари ўлчамлари ва ҳосилдорликни юқоридан белгилаб бериш амалиётига чек қўйиш мақсадга мувофиқ. Фермер билан тузиладиган шартномаларда фақат етиштириб бериладиган маҳсулот миқдоринигина белгилаш лозим. Уларга маълум бир маҳсулот учун берилаётган транш маблағларидан фақат ўша маҳсулотни етиштириш доирасида эркин фойдаланиш имконини яратиш зарур.

-Ҳозирги кунда республикамизда ҳуқуқий-демократик фуқаролик жамияти қуриш ҳамда қонун устуворлигига эришиш учун тўлақонли ҳуқуқий асос ва қонунлар



ишлаб чиқилган, - **деб ҳуқуқий масалалар юзасидан сўз бошлади Денов тумани ҳокими Абдулҳаким Эшмуродов.**

-Лекин ушбу қонунларга барча фуқаролар тўла амал қилмаётир. Натижада жамиятимизда ўз ҳуқуқ ва бурчларини англамаган баъзи фуқаролар томонидан турли ноқонуний ҳолатлар ҳам содир бўлмоқда. Шунинг учун биринчи ўринда аҳолининг ижтимоий ва сиёсий онгини ошириш керак. Яъни ҳар ким ўз ҳақ-ҳуқуқи учун кураша билиши ва ўз ҳуқуқини қаерда ва қандай ҳимоя қилишни билиши керак.

Ишлаб чиқаришда ҳам қонунни, ўз ҳуқуқини яхши билган тадбиркорларга, фермерга ҳеч ким панд беролмайди.

Бизнинг туманимизда 284 минг аҳоли бор. Шундан меҳнатга қобилиятли кишиларнинг 35 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайди. Иш ўринларини ташкил этиш учун кўпроқ тадбиркорликни ривожлантиришга аҳамият бераётирмиз. Фуқароларни тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун имкон даражасида шароит яратмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 145 миллион сўмлик кам фоизли кредитлари тадбиркорларга берилди.

Тадбиркорларни ҳуқуқий, иқтисодий жиҳатдан саводхон қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва молия ташкилотлари билан ҳамкорликда ўқув курслари ташкил этганмиз, тез-тез семинар ва тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказиб турамиз.



-Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижаси бугунги кунда турли бўғинларда ишлаётган раҳбарларга кўп жиҳатдан боғлиқ, - **дейди Миришкор тумани ҳокими Халил Соатов.**

-Ҳозирги давр раҳбарлардан жуда кўп нарсани талаб қилади. Ташаббус, тадбиркорлик, чуқур билим, компьютер техникаларида ишлай билиш каби шахсий ва касбий фазилатлар мужассам бўлган раҳбаргина ўз жамоасини ҳар қандай қийинчиликдан олиб чиқишга қодир бўлади.

Раҳбар юксак онгли, ақл-заковатли, билимдон бўлиши керак. Шунингдек, ўз она тилини, миллий қадриятларимизни, қадим тарихимизни, ўз халқини қаттиқ эъзозлаши, ҳурмат қилиши керак. Доимо изланиб яшаши, янгилик сари интилиши, мустақиллик ғояларига эътиқодли, бебурдликдан, ёлғон сўзлашдан, нафсга берилишдан йироқ бўлиши керак.

Раҳбар – ўз жамоасининг йўлбошчиси. Унинг маънавий ва моддий дунёқараши кўпчиликка таъсир кўрсатиши табиий. Шунинг учун у доимо адолат тарафида бўлиши, Ватан ва халқ қисматини ўз қисмати билан чамбарчас кўриши, миллати ва юрт равнақи учун доимо курашиши керак.

-Жамиятда барча соҳаларни эркинлаштиришнинг ҳозирги босқичида маҳаллий



ҳокимият ва бошқарув органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатлар бир мақсад, бир ғоя учун, яъни мамлакатимизнинг равнақини, халқимизнинг фаровон турмушини яратиш йўлида муштарак бўлиши керакдир, - **деб суҳбатга қўшилди Янгиқўрғон тумани ҳокими Иброҳимжон Мамажонов.**

-ОАВ ҳар бир киши ўз фикрини ифода эта олишга имкон берадиган эркин минбар бўлиши керак. Айнан ОАВ жамиятимизнинг демократик қадриятларини ва тушунчаларини ҳимоя қилиши учун ва одамларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини шакллантириш учун фаол иш олиб бориши лозим.

У халқ иродасини, одамларнинг эҳтиёж ва манфаатларини ифода этадиган, жамиятдаги мавжуд иллат ва нуқсонларни очиб бера оладиган чинакам кучга айланмоғи керак.

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари билан муносабат ўзаро холис ҳамкорлик, демократик принциплар устуворлигига амал қилиш ҳамда бир-бирини ҳурмат қилишга асосланган бўлиши лозим.

**Давра суҳбатида иштирок этганларнинг фикридан маълум бўлдики, мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга оширишда ҳали кўпгина ишлар амалга оширилиши керак экан.**

**Ҳозир ўтказилаётган семинар-мунозарада эса айнан нималарга эътибор берилса, қандай ишлар амалга оширилса ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси тезроқ натижа кўрсатишининг йўл-йўриқлари тавсия этилди, энг мақбул тадбирлар семинар иштирокчиларининг ҳукмига ҳавола қилинди.**

**Давра суҳбатини "Қишлоқ ҳаёти" мухбири Абдураззоқ КАРИМОВ ёзиб олди.**

**ЖАРАЁН**

# ЧОТҚОЛ ЭТАКЛАРИДА

***Чотқол ва унга туташ Қурама тоғларининг юқори қисми оппоқ ва қалин қор билан қопланган. Бу ерларда ҳақиқий қиш манзарасини кўрасиз. Тоғ этакларида эса қордан асар ҳам йўқ. Пастликдаги яйловларда сурув-сурув қўй-қўзилар ўтлаб юрибди.***

-Бу йил қиш анча юмшоқ келди, - дейди "Оҳангарон" ширкат хўжалигининг чўпони Йўлдош Қуролов. – Чорвадор учун бу албатта яхши. Талафот кам бўлади. Қолаверса, қўйлар асосан яйловда боқилади. Ҳар куни юриб турган қўй эса соғлом бўлади. Қўзилатиш мавсумига ҳам оз вақт қолди. Соғлом совлиқдан соғлом қўзи олинади. Шу кунгача бирор кун ҳам қўйлар қўрада қамалиб қолмади.

"Оҳангарон" ширкат хўжалиги асосан чорвачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Хўжаликка қарашли 11800 бош қўй-қўзилар 26 нафар чўпонга шартнома асосида бўлиб берилган. Хўжалик юритишда янги мулк шаклининг, яъни ижара усулининг қарор топиши хўжалик учун ҳам, чўпонлар учун ҳам манфаатли бўлаётир. Биринчидан, чўпонларда ўз вазифаларига масъулият ҳисси кескин ортди. Иккинчидан, чорва молларининг турли сабаблар туфайли нобуд бўлиши камайди. Энг асосийси, чўпоннинг моддий манфаатдорлиги ортди. Чўпон ва хўжалик ўртасида тузилган ички шартнома шартига кўра қўзилатиш мавсумида режадагидан ортиқ олинган қўзилар чўпонга берилади.

Ўтган йили хўжалик чорвадорлари 5345 бош қўзи олишди. Режа бўйича ҳар юз совлиқдан 92 бош қўзи олинди. Ҳар юз совлиқдан 105-110 тагача қўзи олган чўпонлар ҳам бўлди. Умуман кейинги йилларда ширкат хўжалиги чорвадорлари қўйчилик ҳам сердаромад соҳа эканлигини амалда исботладилар. Масалан, 2003 йил бўйича ушбу тармоқдан келган умумий даромад 83395 минг сўм бўлди. Бу кўрсаткич олдинги йилга нисбатан 28305 минг сўмга кўпайди. Рентабеллик кўрсаткичи 14 фоизга ошди.

Чорвадор қирқ йилда, деҳқон бир йилда бойийди, деган гап бор. Лекин чўпон тажрибали бўлса, чорвачилик соҳасини яхши тушунса, ўз эрки билан иш кўрса, табиат қайишса, унинг ҳам ошиғи олчи бўлиши турган гап. Ширкат хўжалиги чорвадорлари 2002 йили бир бош совлиққа 2600 сўм харажат қилиб, 16500 сўм фойда олишган бўлса, ўтган йили чорвани тўйимли озуқалар билан боқиш эвазига ҳар бош қўйга харажатлар 3610 сўмга кўтарилиб, шунга яраша фойда ҳам 24100 сўмга етди.

-Шартнома асосида хўжаликнинг 500 бош қўйини боқаман, - дейди чўпон Исмат Турдибоев. – Менга берилган мулкни ўзимники деб ҳисоблайман. Унумдорликдан ширкат қатори мен ҳам манфаатдорман.

"Оҳангарон" ширкат хўжалигида кўп йиллардан буён дон ҳам етиштириб келинади. Адирларга лалми, пастликларга сувли буғдой экилади. Буғдой экиладиган майдонлар 47 нафар ширкат аъзосига шартнома асосида бўлиб берилган. Оҳангаронлик деҳқонлар ҳам ғаллачиликда анча тажриба орттирганлигини кейинги йилларда олинаётган юқори ҳосил исботлаб турибди.

Ўтган йили ширкат хўжалиги деҳқонлари 2370 тонналик дон хирмонини яратдилар. Олинган ҳосил миқдори аввалги йилларга нисбатан анча ортиқ бўлди. Б.Умарова, Р.Отажонов, Б.Эрбоев, К.Миралиев каби пудратчилар ҳар гектар ердан 47-50 центнердан буғдой олдилар. Умуман, ўтган йили ғаллачилик ширкат хўжалигига 23056 минг сўм соф фойда келтирди. Дончилик рентабеллиги 20 фоизга ўсди.

2003 йил "Оҳангарон" ширкат хўжалиги учун ҳар томонлама баракали келди. Бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Олинган 114305 минг сўм соф фойданинг қирқ фоизи пайчиларга дивиденд сифатида берилади.

-Ўтган йиллар давомида қишлоқ хўжалигида иқтисодий муносабатларнинг янги шакллари жорий қилинганлиги эндиликда ўз самарасини кўрсатаётир, - дейди ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Шунқор Умрзоқов. – Маъмурий-буйруқбозлик қилмасдан кўпроқ ишловчилар манфаатини ўйлаб ва улар қалбига йўл топиш орқали ҳам кўзланган мақсадларга эришиш мумкин экан. Масалан, жамоамизнинг ҳар бир аъзоси ўз пайига эга бўлганлиги учун, қилган меҳнати эвазига аввалгидай тенгчилик асосида эмас, хўжалик ютуқларига қўшган шахсий ҳиссасига қараб ўз ҳақини олмоқда.

Ширкат хўжалиги иқтисодий салоҳиятининг юксалиши шу ҳудудда яшовчи аҳоли ижтимоий-маиший турмуш даражаси яхшиланишига ҳам замин яратмоқда. Хўжалик даромадининг маълум қисми аҳоли учун зарур бўлган турли маданий-маиший бинолар қурилишига ва ободончилик ишларига сарфланмоқда. Хўжалик ҳудудидаги Й.Охунбобоев қишлоғида темир йўл бекати қуриш учун 90000 сўм, аҳоли уйларини газлаштириш учун 1554 минг сўм, мактаб ва боғчаларни таъмирлаш учун 704 минг сўм ва яна бошқа тадбирлар учун жами 29954 минг сўм сарфланди.

"Оҳангарон" ширкат хўжалиги ҳудудида 15 та қишлоқ бор. Шу қишлоқ хотин-қизлари учун ўтган йили жуда яхши бир қулайлик яратилди. Тиббий марказ қурилиб, ишга туширилди. Ушбу тиббиёт маркази қурилишига 20 миллион маблағ сарфланди.

-Биз ўтган саккиз ой давомида тўрт мингга яқин кишига хизмат кўрсатдик, - дейди марказ мудири Нигора Умрзоқова. – Тўғрисини айтсам, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи бундай маскан ҳатто, кўпгина туман марказларида ҳам йўқ. Бу ерда тиббиёт соҳаси учун зарур бўладиган барча шарт-шароит мавжуд. Шунингдек, кундузги стационар беморлар соғлиғини тезроқ тиклашда қўл келаётир. Айнан шундай тиббиёт масканлари қишлоқларда қурилиши жуда-жуда зарур. Чунки қишлоқ аёллари ичида кейинги йилларда турли касалликларга чалиниш ҳолати кўпроқ учраётир. Ҳамманинг ҳам шаҳардаги касалхоналарга ва санаторийларга бориб даволанишга имконияти бўлмайди.

-Мен кўп йиллардан буён бўғинларим оғришидан азият чекар эдим, - дейди Жарариқ қишлоғида яшовчи Манфаат Салимова. – Ҳар йили "Товоқсой", "Чортоқ" санаторийларига бориб соғлиғимни тиклаб қайтардим. Ўтган йили ўзимизда шу шифо маскани ишга тушганлиги менга ўхшаган юзлаб аёлларнинг оғирини енгил қилди. Катта харажат билан бошқа жойларга бориб, даволанишимизга ҳожат қолмади. Мана, беш кундан буён шу ерда даволанаётирман. Шаҳарлардаги шифохоналардан кам жойи йўқ. Дардларим анча озайди. Шу шифохонани қурганларга раҳмат.

Ҳа, "Оҳангарон" ширкатининг иқтисодий салоҳияти йилдан-йилга юксалаётганлиги авваламбор хўжалик аҳли турмуш даражасининг яхшиланишига, қишлоқларининг обод бўлишига, халқ манфаати йўлидаги хайрли ишларни қилишга имкон яратаётир.

**Абдураззоқ КАРИМОВ**

**ТАБИАТ ВА ИНСОН**

# ТОҒЛАР – МОЗИЙ ЁДГОРИ

***Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тарқатган маълумотларга кўра, ер юзи аҳолисининг саккиздан бир қисми тоғларда истиқомат қилмоқда. Буни мамлакатимиз мисолида оладиган бўлсакчи? Биргина Тошкент-Наманган автойўлига назар ташласак, биламиз-қўямиз. Магистралнинг ярми тоғлар бағридан ўтади, аммо ҳар қадамда одам: шу ерда яшайди, шу ерда ишлайди.***

Ўқидимки, Италияда тоғли ҳудудлар ҳақида махсус қонун бор экан. "Альп конвенцияси"га эса Альп тоғларига туташ давлатлар томонидан манфаатдорлик билан амал қилинмоқда. Хўш, бизга ана шундай конвенция ва қонунлар керак эмасми? Катманду, Рио де-Жанейро, Найроби, Бишкек шаҳарларида ўтган халқаро анжуманларда тоғлардаги экосистема, биологик хилма-хиллик, музликлар, ўрмонлар, дарёлар, шаршаралар, ҳайвонот ва наботот олами, тоғликлар ҳаёти муҳокама этилди.

Юқорида айтганимиздай, тоғда инсониятнинг катта бир бўлаги яшамоқда. Уларнинг турмуш даражаси ва сервис масалаларига бугун алоҳида эътибор зарур. Шунинг учун ҳам ўша анжуманларда тоғ ва тоғликлар муаммоларига халқаро ҳамжамиятнинг эътибори такрор ва такрор жалб этилмоқда. Уларда миллий ва минтақавий тоғ қонунлари бўлиши зарурлиги бугунги кун тартибига олиб чиқилди. Халқаро тоғлар кунини белгилаш ҳақида таклифлар бор. 2002 йил бутун дунёда тоғлар йили деб эълон қилинганди.

Айниқса, тоғли аёллар ва болалар хусусида ғамхўрлик кўрсатиш асримизнинг долзарб муаммоси даражасига кўтарилган. Бутанда ўтган халқаро форум иштирокчилари бундай ҳудудлардаги оналар ва қизларга тааллуқли ачинарли далилларни келтиришди. Тоғликлар ҳуқуқи, илм олиш ва саломатлиги муҳофазаси, меҳнат ва ҳордиқ шароити, уларнинг давлат бошқаришдаги, сиёсатдаги, жамоат ишларидаги қатнашуви ҳақида резолюциялар қабул қилинди. Катмандуда тоғликлар либосларининг модалар намойиши ҳам ташкил этилганди.

Бундай жонсарак ва ташвишли муносабат бежиз эмас. Тоғликлар, тоғлар тўғрисидаги саъй-ҳаракатлар ҳеч муболағасиз умуминсоний аҳамиятга эга. Жуда ҳам оддий мисол билан бу фикрнинг нечоғли ҳақиқат эканини англаш мумкин. "Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ" дейдилар. Ҳақ гап. Олдимиздаги ариқнинг қиммати бўлмагач, олисдаги тоғ ҳақида ўйлармидик! Ваҳоланки, ер куррасида қанча ариқ, сой, дарё бўлса - ҳаммаси сувни асосан тоғдан олади. Оқар сувларнинг яна бир муҳим жиҳатини қаранг: улар электр энергиясининг, суғоришнинг ва истеъмолга ароқли чучук сувнинг асосий манбаи. Булар умумбашарият аҳамиятига молик омилларки, буcиз ҳаёт кечириш асло мумкин эмас.

"Майдароқ" гапларга ўтсак-чи? Асалнинг тозаси тоғда бўлади, шифобахш гиёҳнинг аълоси тоғда ўсади, санаторийларнинг зўри ҳам тоғда. Тоғда боқилган ҳайвон ҳам экологик тоза ва ҳоказо.

Аниқки, бутун дунё ташвиш билдираётган бу глобал муаммо бизнинг мамлакатимиз учун ҳам бегона эмас. Республикамиз ҳудудининг каттагина қисми тоғлар билан қопланган. Фарғона водийси эса батамом чўққилар қуршовида. Наманган вилоятининг Поп, Чуст, Косонсой, Янгиқўрғон туманларини тоғликларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Заркент қишлоғи денгиз сатҳига нисбатан 880 метр баландликда жойлашган. Косонсойда эса бу миқдор 790 метр экани ҳисобга олинган. Ҳатто мамлакат пойтахтига ва ғарбий вилоятларга очилган водий дарвозаси ҳам тоғлар устида. Мустақиллик йилларида қайта туғилиб, чирой очган Қамчиқ ҳудуди теварак-атрофдаги тоғликлар турмушини ҳам яхши томонга ўзгартириб юборди. Буюк ипак йўлининг вориси бўлмиш янги магистрал ёқасидаги Тангатопди, Четсув, Серкақирилди (Тошкент вилояти), Зервак, Резак, Хонобод (Наманган вилояти) каби кўплаб тоғли қишлоқлар эндиликда жадал ривожланмоқда, инфратузилма мукаммаллашмоқда. Йўловчиларга, йўлга, транспортларга, ҳайдовчиларга хизмат кўрсатувчи сервис тизими ва ишхоналар бу ерда истиқомат қилувчилар ҳаёт даражасига ижобий таъсир кўрсатаётгани, одамлар иш билан таъминланаётгани, маданиятнинг барқарор ўсишига юз тутгани айни ҳақиқат.

Наманган вилоятининг тўртта туманидаги тоғли ва тоғолди минтақаларида аҳоли яшаяпти, курортлар, мактаблар, корхоналар ишлаб турибди, чорва боқилмоқда. Қамчиқ туннелининг тепасидаги Бетагалик яйловидан қўшни вилоят чорвалари ҳам фойдаланади. "Чоркесар", "Чодак", "Ғалаба", "Ободон" сингари ихтисослашган хўжаликларнинг майда шохли моллари айни тоғ гиёҳларидан эт олади, шу ерда насл ва маҳсулот беради. Ибн Сино номли бошқа бир ихтисослашган хўжалик (Поп тумани) эса ўзига хос табиий дорихона ҳисобланади. Шифобахш гиёҳнинг ўттизга яқин ноёб хилини тўпловчи, сараловчи, қадоқловчи тоғликлар жамоасининг тиббиётдаги хизмати ҳам кам эмас.

Ёруғ дунёда ҳисобсиз нарса йўқ. Жумладан, тоғ ҳам ўлчовли. Дейдиларки, ётиб еганга тоғ чидамайди. Биргина рельеф бузилишининг ўзи ҳам чўққи ва қоялар учун ҳалокатлидир. Чунончи, тоғ-кон саноатида қазиб олинган бир тонна тоғ жинсининг 90-98 фоизи қаттиқ чиқинди сифатида ажратиб ташланади. Тоғдан, тоғ ресурсларидан пала-партиш фойдаланишдан воз кечадиган пайт келди. Зеро, биз аждодлардан қолган ризқ-рўз хазинаси бўлмиш тоғларни авлодлар қўлига безавол топширмоққа ҳам масъулмиз-да! Зеро, тоғлар ўтмиш ҳайкали, мозийнинг инсон измидан ташқари яралган ёдгори.

**Рустамжон УММАТОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

**(Боши 1-бетда)**

Акс ҳолда қилган меҳнатингиз бесамар кетиб, чув тушиб қолишингиз ҳеч гапмас.

-Шу кунларда учарлар ҳам кўп, - дейди қашқадарёлик Сафахон Садриев. – Мен ўн йилдан буён помидор кўчати тайёрлаётган бўлсам, биринчи марта шунақа бўлиши... Бозордан "эртапишар, ҳосилдор", деб таъриф этилган уруғдан олиб келиб экдим. Афсуски, унмади. Ҳар жой-ҳар жойда бир ниҳол. Меҳнатимга куйдим. Алам қиладигани, вақтни бой бериб қўйдим. Менга ўхшаганлар кам дейсизми? Агар мутахассислар яратган янги-янги навлардан хабардор бўлганимизда, биз деҳқонлар азият чекиб қолмасдик.

Суҳбатдошимнинг гапларида жон бор, албатта. Деҳқон танти. Меҳнатига ачинмаса ҳам ернинг умрига куяди. Демак, гап уруғ сифати, навида.

# НАВ ТАНЛАШДА АДАШМАНГ

Маълумотларга қараганда, Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти навшунос олимлари томонидан кейинги йилларда 50 дан ортиқ сабзавот, полиз ва картошка навлари яратилган. Уларнинг барчаси синовдан ўтган ва давлат реестрига киритилган.

-2003 йили биргина оқ бош карамнинг 17 нави ва F1 дурагайлари давлат реестрига киритилди, - дейди қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Абдулазиз Аббосов. – Шулардан "Июньская", "Номер первый Грибовский 147", "Наврўз" навлари эртапишар, юқори унумлилиги билан ажралиб туради. "Июньский" навини олайлик, уруғи униб чиққандан сўнг 95-115 ёки кўчати экилгач, 60-65 кунда етилади. Карамбоши ўртача зичликда бўлиб, юқори товар хусусиятига эга. Оғирлиги 1,-1,5 килограмм, ҳосилдорлиги эса гектарига 27-29 тоннани ташкил этади.

Мутахассисларнинг тавсияларига кўра, карам кўчатлари обҳаво шароитига қараб, республикамизнинг жанубий вилоятларида 10-12 февралда, шимолий вилоятларда эса 15-30 мартда экилади. Улар чиниққан, 6-7 баргли бўлиши керак. Яна шуни ҳам унутмаслик лозимки, эртаги карам экиладиган ер майдонлари кузда тайёрланиб, эгатлар олиб қўйилиши лозим. Акс ҳолда кутилган самарани бермайди.

Институтдан олинган маълумотларга қараганда, помидорнинг 30 та, ширин қалампирнинг 5 та, пиёзнинг 9 та, сабзининг 10 та, бодрингнинг 16 та, картошканинг 27 нави давлат реестрига киритилиб, республикамиз вилоятларида экишга тавсия этилган.

-Помидорнинг "Шафақ", "Севара", "Тошкент тонги", "Субҳидам" каби навлари эртаги муддатда экишга мўлжалланган, - дейди суҳбатдошим А.Аббосов. – "Тошкент тонги"нинг биринчи ҳосили уруғ униб чиққач, 115-120 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 40-45 тонна. "Шафақ" эса 100-105 кунда етилиб, гектаридан 30-35 тоннагача ҳосил беради. Мазкур навлар уруғи 20 январдан бошлаб иссиқхоналарга сепилади. Унутмаслик кераккки, кўчат тайёрлаш ўта нозик иш: у соғлом, чиниққан бўлмаса, тутиб кетмайди.

Бу мутахассис фикри. Айни кунларда яхши ният билан иссиқхоналарда уруғ сочаётган деҳқонлар бирров мутахассис маслаҳатига қулоқ тутса, ёмон бўлмасди. Демоқчи бўлганимиз синовлардан ўтган, давлат реестрига киритилган навлардан эксангиз, "уруғ чиқмади, яхши эмас экан" қабилидаги дилхираликларга ҳожат қолмайди. "Етти карра ўлчаб, бир кес", деб бежиз айтишмаган-да.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**



**Қайси соҳада бўлмасин, устоз ўгити, таълимини олган шогирд панд емайди. Буни Гурлан туманидаги "Қорақалпоғистон" ширкат хўжалиги устахонаси тажрибали токари Назирбой Мадраҳимов ҳеч ёдидан чиқармайди. Чунки у шогирдларини ҳам ўз касбининг устаси бўлишини хоҳлайди-да.**

**СУРАТДА: Назирбой Мадраҳимов ва шогирди Расулбек Олламов.**

Саъдулла БОБОЕВ олган сурат.

**ЯХШИ ХАБАРЛАР**

## "НАВРЎЗ ЯЛЛАСИ" ЯНГРАДИ

***Андижонда шаҳар ва туманлар халқ истеъдодлари иштирокида "Наврўз ялласи" кўрик-танлови ўтказилди.***

Ҳайъат аъзолари ғолибларни аниқлашда аввало қўшиқ мавзуи, хонанданинг ижрочилик маҳорати, мумтоз қўшиқларнинг янги талқиндаги ижросига алоҳида урғу беришди. Шунингдек ижрочиларнинг кийиниши , ўзини саҳнада тутиши каби жиҳатлар ҳам ҳайъат аъзоларининг назаридан четда қолмади.

Танловда Жалолқудуқ тумани санъаткорлари ғолиб деб топилди. Иккинчи ўрин Андижон шаҳри ва тумани бадиий ҳаваскорларига , учинчи ўрин эса Балиқчи, Хўжаобод туманлари халқ истеъдодларига насиб этди.

## САНАМХОННИНГ ХАЙРЛИ ИШИ

***Жалолқудуқ тумани Абдуллабий қишлоғилик тадбиркор Санамхон Жумабоева ёш йигит-қизларга турли ҳунарларни ўргатадиган бепул ўқув маркази очди.***

Ўқув марказида ёшлар тикувчилик, қандолатчилик сирларини ўрганишмоқда, шу билан бир пайтда улар тикувчилик цехи ва пойафзал таъмирлаш устахоналарида ишлашмоқда.

С.Жумабоеванинг таъкидлашича, ёшларнинг бевосита ишлаб чиқаришдаги иштироки икки томонлама манфаат келтирмоқда. Улар бепул ўқитилса-да, қишлоқ аҳлига пуллик хизмат кўрсатиш эвазига марказга манфаат келтирмоқда.

**"Туркистон-пресс"**

Тошкент вилояти Зангиота тумани суд ижрочилар бўлинмаси Тошкент шаҳар хўжалик судининг қарорига мувофиқ "СТЦ-5 ЛТД" ҳисобидан ХИЧТФ "УМР-файз" фойдасига қарзни ундириш учун 1991 йили ишлаб чиқарилган ЗИЛ-130 русумли махсус цементавоз-цистерна ва ярим тиркама юк автомашинасини сотиш бўйича 2004 йил 29 январда аукцион ўтказилишини маълум қилади.

Утерянный гос.ордер № 10-01/22227 от 10.03.1998 г. права собственности Кравченко Анастасии Никифоровны на квартиру, считать недействительным.

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
"ҒАЛЛАБАНК"

*ORACLE компаниясининг дастурий маҳсулотларини сотиб олиш учун конкурс эълон қилади. Конкурсда қатнашиш учун таклифлар 2004 йил 10 февралгача қабул қилинади.*

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин: 700060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй, 2-қават, 213-хона. Тел: 136-16-03.**

*Муҳтарам юртдошлар ва Ўзбекистон меҳмонлари !*

Шу йилнинг 23 январидан бошлаб

ТОШКЕНТ - САМАРҚАНД - ТОШКЕНТ

йўналиши бўйлаб ҳаракатланадиган 6 вагондан иборат тезюрар, барча қулайликларга эга бўлган йўловчи поезди қатнови йўлга қўйилди.

*Сафар давомида Сизга қиймати чипта баҳосига кирган нонушта ёки кечки овқат таклиф қилинади. Қисқа муддатли сафар давомида керак бўлган барча сервис хизматлари кўрсатилади. Хоҳишингизга кўра, қўшимча тўловга ёдгорликлар тўплами, совғалар харид қилишингиз, видеофильмлар ва мусиқали клипларга буюртмалар беришингиз мумкин.*

*Поезд Тошкентдан эрта тонгда, Самарқанддан эса кечқурун йўлга чиқади ва сизда кун давомида Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш имкони бўлади.*

*Йўловчи поезди катта тезлик билан ҳаракатланиб(автомобиль транспортидан тез) сизларни Самарқандга етказиб,Тошкентга қайтиб олиб келади.Ҳар бир вагон купелари алоҳида бўлиб, уларда 6 тадан юмшоқ ўриндиқли креслолар ўрнатилган.*

*Сафар давомида сизга оилангиз ва дўстларингиз билан вақтингизни чоғ ўтказишга имкон яратилади. Купе деразасидан Ўзбекистон табиати ва унинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишингиз мумкин.*

МАЪЛУМОТЛАР ХИЗМАТИ:
005, 199-72-15.
ВОКЗАЛ БЎЙИЧА НАВБАТЧИ
199-72-16.
МАЪМУР
199-76-27.

Йўловчи поездининг ҳаракатланиш жадвали

| Поезд № | Маълумот | Бошланғич манзилдан жўнаб кетиш куни ва вақти | Белгиланган манзилга етиб бориш куни ва вақти |
|---|---|---|---|
| 1. | Тошкент-Самарқанд | 6:50 | 10:50 |
| 2. | Самарқанд-Тошкент | 17:00 | 21:00 |

*Сафарингиз мароқли ўтсин!*

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»ДАТК
«ЎЗТЕМИРЙЎЛЙЎЛОВЧИ» ОАЖ

